

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил июнь ойининг 02 куни, жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Каттақўрғон туман ИИБ биносида бўлиб, раислик қилувчи судья И.А.Дониёров, судья ёрдамчиси С.Омоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Каттақўрғон туман прокурорининг ёрдамчиси С.Тухташов, судланувчи Н.Х.Саидова ва унинг ҳимоячиси “Каттақўрғон ҳимоя” адвокатлар хайъати адвокати Г.Хашимова, жабрланувчининг қонуний вакили О.А.Данияровнинг иштирокида,

Судланувчи: Саидова Насиба Хамидовна (Саидова Насиба Хамидовна), 1984 йил 23 июнь куни Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик 4 нафар фарзандлари бор, уй бекаси, муқаддам судланмаган, Каттақўрғон тумани, “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғини, Сариосиё қишлоғида яшайди, иш бўйича унга нисбатан “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 07 май куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Саидова Насиба Хамидовнага оид №1-1404-2501/81-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Саидова Насиба Хамидовна, 2025 йил 07 март куни соат 08:30 лар чамасида ўзининг бошқарувида бўлган, техник жиҳатдан соҳлатда бўлган “Дамас” русумли 30 L 608 ВВ давлат рақам белгили автомашинаси билан Каттақўрғон тумани, “Олмазор” маҳалласи ҳудудидан ўтган 4Ҳ-599 “Абулқосим-Яккабоғ-Мухтор” автомобиль йўлининг 1-километрида ҳаракатланиб келиб, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрель кунги 172-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 3.24-бандида кўрсатилган “аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг белгиланган тезлигини соатига 30 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади” деб кўрсатилган, 11-бандидаги “ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга



нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган ва 77-бандида “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши ва тезлик ҳайдовчига Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши ҳамда ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларни қўпол равишда бузиб, бошқарувида бўлган “Дамас” русумли 30 L 608 ВВ давлат рақам белгили автотранспорт воситасини 4Ҳ-599 “Абулқосим-Яккабоғ-Мухтор” автомобиль йўлидан соатига 30 километр юқори тезликдан ортиқ ҳаракатланиш тақиқлаш ҳақидаги йўл белгисига амал қилмасдан, соатига 30-35 километр тезликда бошқариб бориши давомида йўлнинг ўзига нисбатан чап томонидан ўнг томонига ҳаракатланиб ўтаётган пиёда вояга етмаган Абдуллаев Аслиддин Ойбек ўғлини автомашинасининг олд томони билан уриб юбориб йўл-улов ҳодисаси содир қилган, натижада вояга етмаган А.О.Абдуллаев “оғир, ҳаёт учун хавфли бўлган” тан жароҳатлари олишига сабабчи бўлган.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили О.А.Данияров ҳамда судланувчи Н.Х.Саидоваларнинг иштирокида ярашув тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиб, жабрланувчининг қонуний вакили О.А.Данияров ярашувга розилигини аниқлаб, прокурор ва ҳимоячининг фикрларини эшитиб, қўйидагиларга асосан жиноят ишини тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили тариқасида сўроқ қилинган Данияров Ойбек Абдуллаевич ўзининг кўрсатувида, судланувчи Саидова Насиба Хамидовнага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан ўзаро ихтиёрий ярашганлигини, ҳеч қандай тазйиқ бўлмаганлигини, ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи Саидова Насиба Хамидовна тўлиқ қоплаганлигини, шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддаси талабини тўлиқ тушунганлигини, яъни ярашув тўғрисида берилган аризаси суд томонидан тасдиқланса, ўзи мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишлигини тушунганлигини, судланувчи билан ўрталаридаги ярашувни тасдиқлашликни билдириб баёнот берди.

Суд, судланувчи Саидова Насиба Хамидовнанинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, жабрланувчининг қонуний вакили унга нисбатан моддий ва маънавий



даъвоси йўқлигини, жабрланувчининг қонуний вакили ҳамда судланувчининг ўзаро ярашганлиги ҳақида берган аризаларини, ярашув ихтиёрий эканлигини инobatга олиб, унинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 66¹-моддаси таъсир доирасига тушишлигини эътиборга олиб, судланувчи Саидова Насиба Хамидовнанинг айблилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишликни ҳамда унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида”ги тилхат эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишликни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 583-586-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилади:

А Ж Р И М:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Саидова Насиба Хамидовна (Saidova Nasiba Xamidovna)га нисбатан бўлган №1-1404-2501/81-сонли жиноят иши тарафлар ярашуви муносабати билан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили О.А.Данияров мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Судланувчи Саидова Насиба Хамидовнага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисидаги “тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича жабрланувчининг қонуний вакили О.А.Данияровга моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги инobatга олинсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи эса ажримнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят қилишга, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья:

(имзо)

И.А.Дониёров

“Нусхаси аслига тўғри”

Жиноят ишлари бўйича Каттакўрғон
туман судининг раиси:

И.А.Дониёров

